Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 26-iyul, shanba № 91 (3440)

Ўз меҳнати, ақл-заковати ва салоҳияти билан ўзини ўзи боқадиган, ўзини ҳимоя қилишга, келажагини ўз қўли билан қуришга қодир бўлган халқни жаҳон аҳли эътироф этади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.ИРМАТОВНИ «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 25 июл

Энг фаол ёш мутахассис

Тошкент Давлат аграр университетида Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Йилнинг энг фаол ёш фермери» танловининг республика босқичи ўтказилди.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН

Унда мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида муваффақиятли натижаларга эришаётган, ўз изланишлари орқали тизимга янги лойиҳаларни жорий этаётган 13 нафар ёш фермер беллашди. Аҳамиятли томони, танловнинг туман ва вилоят босқичларида 1000 нафардан ортиқ киши иштирок этди. Мазкур босқичда ёш фермерларнинг бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида олиб бораётган ишлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда ундан мўл ҳосил олиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва бу орқали хизмат кўрсатиш тизимини яратиш, қишлоқ хўжалигига илғор инновацион технологиялар жалб қилинганлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида қўлга киритган ютуқларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сўз олганлар ушбу кўрик-танлов ерга меҳр берган, ўз вазифасига сидқидилдан ёндашган, қишлоқ хўжалигига илғор инновацион агросаноат технологияларини дадил олиб кираётган ёш фермерлар фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда катта самара бераётганини қайд этди.

Танловда иштирокчилар етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини намойиш этдилар. Шундан сўнг, фермер хўжаликлари фаолияти тўғрисида видеолавҳа орқали тақдимот ўтказилди. Тақдимотлар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Якуний натижага кўра, 1-ўрин Фарғона вилояти Фурқат тумани «Шабада-Н» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Болёржон Ҳамзалиевга, 2-ўрин Бухоро вилояти Ромитан тумани «Жамшид Фаршид замини» фермер хўжалиги раҳбари Жамшид Раззоқовга, 3-ўрин эса Навоий вилояти Кармана тумани «Обод турмуш келажаги» фермер хўжалиги раҳбари Наргиза Мамановага насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ватанни шарафлаш саодати

2014 йилнинг 12 июн-13 июл кунлари Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов иштирок этиб, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шуҳратини янада юксалтиришга, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этишга муносиб ҳисса қўшди.

Нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган ҳамюртларимиз эл-юртимиз ардоғида бўлиб, улар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 25 июлдаги фармонига мувофиқ халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида 25 июл куни халқаро тоифадаги ҳакамни шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда ФИФА рефериси Равшан Эрматовга Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Эл-юрт ҳурмати» ордени ҳамда Президентимиз совғаси — «Malibu» автомобили тантанали равишда топширилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида тарихий адолат тикланди, халқимизнинг асрий орзуси — озодлиги, эркинлиги ўз қўлига ўтди, тинч-осойишта, фаровон ҳаёт кечириш, бугунидан мамнун бўлиб яшашига имкон яратилди, эртанги кунига ишончи мустаҳкамланди.

Мамлакатимиз дунёнинг ривожланган давлатлари қаторида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Зеро, тинчлик-осойишталик, адолат ҳукмрон, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган мамлакатгина қисқа фурсат ичида ана шундай мисли кўрилмаган натижаларга эриша олади.

Президентимиз раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатлари, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари рўёбига хизмат қилмоқда. Айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмоний ва маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бераётир.

Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси тикланди, улар бугунги кунда авлодларнинг тафаккурида, онгу шуурида, хислатлари-ю фазилатларида намоён бўлмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган «Куч — адолатдадир» шиорининг ҳаётимиздан чуқур жой олгани, ҳар қандай шароитда адолат, ҳалоллик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бағрикенглик билан иш тутиш ўзбек ўғлони Равшан Эрматов сиймосида бутун дунёга яна бир бор намоён бўлди.

— Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаган Президентимизга чексиз миннатдорлик изҳор этаман. Бундай эътибор ва ғамхўрлик келгусида янада юксак марралар сари рағбатлантиради, — дейди Равшан Эрматов. — Жаҳон чемпионатида биз не-не улуғ аллома-ю мутафаккирларга бешик бўлган буюк юрт фарзандлари эканимизни, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исботлашни мақсад қилгандик ва бу эзгу мақсадимизга етишганимиздан хурсандмиз. Учрашувларни хатосиз бошқаришимизда халқимиз, миллионлаб ўзбекистонлик футбол мухлисларининг ишончини оқлаш масъулияти бизга катта куч-ғайрат бағишлади.

Бразилияда ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатини миллиардлаб мухлислар томоша қилди. Улар орасида сайёрамизнинг барча минтақалари вакиллари бор. Улар мусобақани «Ўзбекистонлик ҳакам Равшан Эрматов бошқаради», деган сўзларни турли тилларда эшитди. Демак, улар яна бир карра Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳақида маълумотга эга бўлди. Иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва санъат ҳамда бошқа соҳаларда дунёга донг таратаётган жонажон Ватанимиз спортнинг энг оммавий тури бўлган футбол соҳасида ҳам жаҳон узра шуҳрат қозонди. Зеро, футбол ўйнаш қанчалар оғир, машаққатли бўлса, унга ҳакамлик қилиш, боз устига, жаҳон чемпионати ўйинларига ҳакамлик қилиш, дунёнинг манаман деган жамоаларининг футболчиларини бошқариш, уларнинг ҳар бир ҳаракатига вақтида, бехато, адолатли баҳо бериш — қарор чиқариш шунчалар қийин ва масъулиятлидир. Ана шундай ўта оғир масъулиятни ўзбек ўғлони шараф билан бажаргани ҳаммамизнинг қалбимизни ғурур-ифтихорга тўлдиради.

(Давоми 2-саҳифада).

Матбуот анжумани

Болаларга беринг дунёни

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Миллий матбуот марказида 2014 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига бағишланган анжуман ташкил этилди.

Унда бу йилги соғломлаштириш мавсумининг бориши, янгича ёндашувлар самараси ўлароқ болаларни дам олдириш борасида жорий этилган янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Таъкидланганидек, Соғлом бола йилида мавсумга ҳозирлик ҳар қачонгидан эрта — ўтган йилги мавсум тугаши биланоқ бошлаб юборилганлиги айни муддао бўлди. Хусусан, январ ойида республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи таркибидаги Ишчи гуруҳлар раҳбарларига, ҳудудий ҳокимликларга мавсумга тайёргарлик кўриш бўйича аниқ тавсиялар берилди. Шунга мос равишда ҳудудларда вилоят ҳокимлари ва ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳларнинг йиғилиши ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Оромгоҳларга ҳомий ва масъуллар бириктирилди.

Апрел ойиданоқ Федерацияси Кенгаши ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотларида тезкор штаблар шакллантирилди. Болалар хавфсизлигини, уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва доридармонлар билан таъминлаш, малакали кадрларни жалб этиш ва оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар қилинди. Соғломлаштириш сифатини ошириш мақсадида оромгоҳларда фаолият юритувчи барча ходимлар учун жойларда Федерация Кенгаши томонидан ҳудудий семинарлар ўтказилиб, оромгоҳлар учун тавсиялар, услубий қўлланмалар, болаларга мўлжалланган филмлар компакт-дисклари тарқатилди.

ХАВФСИЗЛИК — БОШ ОМИЛ

Оромгоҳларда болажонларнинг ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлаш ташкилотчилар диққат марказида бўлиб, айни пайтда ҳар бир оромгоҳда ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, тиббиёт, энергетика, коммунал соҳа ходимларининг туну кун навбатчилиги ўрнатилган. Шунингдек, оромгоҳларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш мақсадида 1 минг 800 нафарга яқин ички ишлар идоралари ходимлари, мингдан зиёд маҳалла посбонлари бириктирилган.

Болалар саломатлигини мунтазам назорат қилиб бориш мақсадида 1,5 минг нафар тиббиёт ходими жалб этилган. Ҳар бир оромгоҳ белгиланган миқдордаги дори-дармон, махсус зардоб дори, зарур алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланган.

(Давоми 4-саҳифада).

ЎзА сурати

Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги шукронаси ҳар биримизда жавобгарлик, юклатилган вазифаларни тўкис бажариш ҳиссини жўш урдириб юборди.

Айни пайтда вилоятимиз аҳолиси энг улуғ ва энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш мақсадида барча соҳаларда ғайрат-шижоат кўрсатмоқда. Касаба уюшмалари эса меҳнат аҳлининг фидойилигини рағбатлантириб, янги, янада порлоқ марраларни забт этишга чорлаб келмоқда.

МЕҲНАТКАШЛАР ТАЯНЧИ ВА ҲАМКОРИМИЗ

Бош келишув асосида вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси ўртасида ҳудудий келишув, тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари томонидан 11 та ташкилот ва муассаса билан 2014-2016 йилларга мўлжалланган тармоқ келишувлари тузилишига эришилди. Жамоа шартномаларининг амал қилиш муддати якунланган 18 та лойиҳаси бирлашманинг эксперт комиссияси томонидан ўрганилиб, тегишли хулосалар берилди ҳамда 2014-2016 йилларга мўлжаллаб қайта тузилди.

Ҳозирда мавжуд 5780 та юридик шахс мақомига эга корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликларидан 5619 тасида жамоа шартномалари тузилган бўлиб, улар орқали 109755 нафар ходим манфаатлари қамраб олинган.

Жамоа келишувларида меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари аниқ ифода этилган. Ходимларнинг иш ва дам олиш вақтига эътибор қаратилиб, узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллар ўрнатилган.

Тармоқ келишувларида ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий кафолатлар, соғлиқни муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, шу жумладан, болаларни соғломлаштиришни ташкил этиш каби жиҳатларга ҳам катта эътибор қаратилган.

Сўнгги йилларда ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини бажариш доирасида келишувлар орқали уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кўп болали, кам таъминланган ва ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг маданий дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Юрт тараққиёти, фаровон турмуш ҳар бир ватандошимизнинг устувор мақсадига айланган. Эришаётган ҳар бир ютуғимиз замирида чин дилдан қилинган меҳнат, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамжиҳатлиги мужассам. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими, Жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси билан 2013-2014 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси имзоланишида ҳам хайрли ишлар кўзланган.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Ishonch
2014-yil 26-iyul № 91 (3440)

Касаба уюшмалари:
ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Энди айтинг, агар юртимиз мустақил бўлмаганида, Президентимиз томонидан спортга, спротчиларга шунчалар эътибор қаратилмаганида бундай ютуқлар бўлармиди?! Тасаввур ҳам қилиб бўлмасди! Бир пайтлар бизга менсимай, паст назар билан қараганлар энди «Ўзбекистон ҳакамлар мактабидан ўрганиш керак», деб ёзмоқда. Демак, тан олишга, эътироф этишга мажбур бўлмоқда. Демак, ҳақиқат, адолат қарор топмоқда. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги мусобақаларда ҳакамлик қилиб келаётган Равшан Эрматовнинг Бразилия яшил майдонларида кечган шиддатли ва муросасиз учрашувларни бошқаришдаги юксак маҳорати, адолат принципларига қатъий амал қилиш, ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам тезкор ва тўғри қарор қабул қила олиш, футболчиларнинг руҳий ҳолатини яхши тушуниш каби юксак профессионал ва инсоний фазилатлари халқаро спорт жамоатчилиги, мухлислар, мутахассислар томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Р.Эрматов футбол бўйича деярли барча нуфузли мусобақаларни — 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари финали, 2010 йилги жаҳон чемпионати, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йили XXX ёзги Олимпия ўйинларининг футбол учрашувлари, 2013 йилда эса Бразилияда ўтган конфедерациялар кубоги баҳсларини бошқарган.

Унинг 2010 йили Жанубий Африка Республикаси ва жорий йилда Бразилияда ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатларида кетма-кет иштирок этиши ўзбек футболининг, бутун Ўзбекистон спортининг улкан ютуғи бўлди. 2010 йилги мундиалнинг очилиш маросими ва яна тўртта учрашувни аъло даражада бошқариб, дунёнинг манаман деган давлатларига Ўзбекистон спортчиларининг салоҳияти ва қудратини намоён эта олди.

Ватанни шарафлаш саодати



Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 20 июлдаги фармонига мувофиқ ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Равшан Эрматов «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланди.

Р.Эрматов Осиёнинг «Энг яхши ҳакам» номинациясида кетма-кет тўрт маротаба ғолиб бўлган қитъамиздаги биринчи ва ҳозирча ягона футбол ҳакамидир. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда жаҳоннинг энг яхши ҳаками, деб эътироф этди. Ўзбек фарзандининг дунёнинг тенгсиз ҳаками бўлгани футбол тарихида рекорд сифатида қайд этилган. Мамлакатимиз ва халқаро микёсдаги мусобақаларни одилона ва юқори савияда бошқариб келаётган ҳамюртимиз 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингининг юқори поғоналаридан жой олди.

Тадбирда ўзбек ҳакамининг бундай юксак муваффақияти мамлакатимиз мустақиллиги ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самараси экани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёшларимизнинг ўз ақлзаковати, истеъдодини тўла намоён этиши, маҳоратини муттасил ошириб бориши, юксак маънавиятли, баркамол инсонлар сифатида камолга етиши учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бунинг самарасида юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, миллионлар ўйини — футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Президентимизнинг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ўзбек футболи тараққиётини янги босқичга кўтарди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар футболи тубдан ислоҳ қилинди. Футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлари ва футбол академиялари фаолият кўрсатмоқда, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий футбол стадионлари барпо этилмоқда, мавжудлари қайта реконструкция қилинмоқда, халқаро майдонда юртимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир футболчиларни тарбиялаш, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрлашни янада кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек футболи катта ютуқларга эришди. Ўтган йиллар давомида ёш футболчиларимиз Мексика, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Эрон каби давлатларда ўтказилган жаҳон ва Осиё чемпионатларида муносиб иштирок этди, Ўзбекистон футбол федерацияси ФИФАнинг «Fair Play» (ҳалол ўйин) соврини билан тақдирланди.

ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг кетма-кет иккита жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилгани ҳам ана шу эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

Бразилия майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида Европадан тўққизта, Жанубий Америкадан бешта, Осиёдан тўртта, Африка ва Шимолий Америкадан учтадан, Океания минтақасидан битта ҳакамлар бригадаси иштирок этди. Равшан Эрматов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари вакиллари орасида ушбу жаҳон чемпионатига жалб этилган ягона бош ҳакам бўлди.

Нуфузли мусобақада Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси жами тўртта учрашувни — гуруҳ босқичида Швейцария — Эквадор, АҚШ — Германия ва Мексика — Хорватия, чорак финалда Голландия — Коста-Рика терма жамоалари ўртасидаги учрашувларни юқори савияда бошқарди. Р.Эрматов ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп — 9 учрашув бошқариб, дунё рекордини ўрнатди.

— Халқаро майдонларда Ватан шарафини ҳимоя қилиш, унинг обрўсини юксалтириш катта бахт, — дейди Равшан Эрматов. — Футбол оламининг энг нуфузли мусобақаси — жаҳон чемпионатида Ўзбекистон номидан қатнашганимиздан фахрланамиз. Халқаро майдондаги бундай муваффақиятимиз замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик мужассамдир.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Абдужаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуруддинов ва бошқалар мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган улкан эътибори учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

МЕҲНАТКАШЛАР ТАЯНЧИ

Корхона, ташкилот муассасаларда ўтказиладиган маданий-оммавий ва спорт тадбирлари самарасини ошириш, ходимларнинг спорт ва жисмоний тарбияга бўлган қизиқишини орттириш орқали, уларнинг саломатлигини тиклаш — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлардан бири.

ТАН СОҒЛИГИ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Соғлом оила» шиори остида оилавий спорт мусобақаларининг иккинчи — туман босқичи Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли ўйингоҳда ўтказилди. Унда биринчи босқич ғолиби бўлган 8 та таълим муассасасининг 24 оилавий жамоаси қатнашди. Иштирокчилар низом талаблари асосида спортнинг 8 тури бўйича беллашди.

8 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўғил фарзандли оилалар иштирокидги беллашувларда Шодлик қишлоғида жойлашган 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, касаба уюшма қўмитаси раиси Азамат Хўжабековлар оиласи биринчи ўринни эгаллади.

8 ёшдан 12 ёшгача бўлган қиз фарзандли оилалар иштирокида ўтказилган мусобақада эса Сардоба шаҳарчасидаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Қаҳҳор Самаров бошчилигидаги оилавий жамоа зафар қучди.

Раҳмат БИЛОЛОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Оқолтин туман кенгаши раиси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жорий йилнинг ўтган даврида 903 та корхона, ташкилот ва муассасада жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 1247 нафар фуқаро ва оилага 488,7 млн. сўмлик ижтимоий кўмак берилди. Харажатларнинг 403,4 млн. сўми корхона маблағи, 85,3 млн. сўми эса касаба уюшма бюджети ҳисобидан амалга оширилди.

Аъзолар сонини кўпайтириш, улар билан ҳамкорликни кучайтириш ишлари доимо диққат марказимизда. Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида белгиланган 19093 та ўрнига амалда 20009 янги иш ўрни яратилишига эришилди. Касаба уюшмаларининг бевосита иштироки билан 58 та корхона ва ташкилотда 815 та иш ўрни ҳақиқатда яратилгани ўрганиб чиқилди.

Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ўтказилган 19 та «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари ярмаркаси»да касаба уюшма ташкилотларининг фаол иштироки таъминланди. Ярмаркаларда 542 та корхона, ташкилот ва муассаса 2559 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Натижада, 1180 нафар фуқародан 272 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари томонидан 456 нафар фуқарога меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалаларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнат Кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда ходимларга меҳнат дафтарчаларини юритиш ва уларнинг янги намунадаги меҳнат дафтарчалари билан таъминланиши аҳволини назорат қилиш мақсадида 181 та иш берувчига кўмаклашилди ва бу борадаги қонунбузилишларнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар кўриш тўғрисида»ги Конвенцияларни амалга ошириш юзасидан 181 та корхона ва ташкилотда текширишлар ўтказилди.

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзолари манфаатларини ҳимоя этиш, турмуш шароитини яхшилаш мақсаса ва ногиронни бепул соғломлаштириш ишлари амалга оширилиб, бунинг учун касаба уюшмалари бюджетидан 1979,8 минг сўм сарфланди.

16 та ёш оилага уй-жой - қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун 321,6 минг сўм фоизсиз ссуда ажратилди.

Аёллар ва ёшлар масаласи доимо диққат марказида. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёш болали 69 нафар аёлга ойлик

СИРДАРЁ

дида тизимли ишлар амалга оширилди.

Наврўз байрами арафасида кўп йиллар касаба уюшмалари тизимида ишлаган 19 нафар пенсионернинг ҳар бирига озиқ-овқат маҳсулотлари етказилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди.

Ўтган даврда касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларида 3 нафар ёлғиз кек-

МУАММОЛИ ЕЧИМДА ҳал қилувчи восита



Меҳнат масалаларида тушунмовчилик юзага келса, «Ишонч телефони»га мурожаат қилган маъқул. Бироқ баъзида «ички сир»нинг сақланиши, таниш «кўз»лар дебмикин, кўпинча индамай қўяверамиз.

Кейинги йилларда касаба уюшмаларининг нуфузи ортиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳақиқий ҳимоячиси сифатида бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда.

Яқинда ўзим билан содир бўлган воқеа бунга жонли мисол бўлиши мумкин. Яъни меҳнат муносабатларига алоқадор муаммо ҳам касаба уюшма аралашуви орқали ижобий ҳал этилди. Вилоятдаги Бахт шаҳар ўғил болалар махсус коллежида тарбиячи вазифасида меҳнат қиламан. Қарангки, ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ишдан бўшатилишим ҳақида буйруқ олдим. Бунинг меҳнат қонунчилигига тўғри келмаслигини аввалроқ касаба уюшмаларининг ҳуқуқий саводхонлик семинарларида қатнашиб билиб олганлигим қўл келди. Дарҳол вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлимига мурожаат қилдим. Юридик бўлим ходими коллежимиз директори номига меҳнат қонунчилиги бузилишини бартараф этиш ҳамда мени ишга қайта тиклаш ҳақида тақдимнома киритди. Масала тезда ечим топиб, ўз вазифамга тикландим. Шунингдек, мажбурий бекор юрган кунларим учун бир ойлик маошим миқдорида ҳақ олдим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муаммолар ечимида касаба уюшма ташкилотлари ҳал қилувчи восита бўлиб хизмат қилади, дея оламан. Ташкилот аралашуви билан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши назоратга олинади, талаблар ўрганилади, мазмунли дам олиш ташкил этилади. Бу ҳаракатлар натижасида жамоада кўтаринки кайфият, меҳнат унумдорлиги таъминланишига эришилади.

Ҳасан БЕКБЎТАЕВ,
Сирдарё тумани

Сирдарё вилоятида «Ўз касбининг моҳир эгалари»ни тақдирлаш тадбирининг биринчи босқичида Гулистон шаҳридаги «Комил ҳамкор» хусусий корхонаси бош ошпази, касаба уюшмаси фаоли Илҳом Ғофуров ғолиб деб топилди.

КАСБГА САДОҚАТ

Илҳом ака салкам ярим асрлик меҳнат фаолиятига эга. Туғилиб ўсган юрти Самарқандда ўрта мактабни тамомлагач, шаҳар умумий овқатланиш корхонасига ошпаз ёрдамчиси бўлиб ишга кирди. Дастлабки устози Раҳмон ошпаз сабаб касбига меҳри ортди. Иш билан бирга Самарқанд шаҳар озиқ-овқат саноати техникумининг кечки бўлимида ўқишни давом эттирди.

Устозлари ёнида ўчоққа олов ёқиб, қозон ювиб юрган кезлари катта ош тайёрлаш жараёнини диққат билан ўрганиб борди. Йиллар ўтиб, ош тайёрлаш устасига айланди ва халқ орасида Илҳом ошпаз номи билан танилди. Муҳими, ўқиб-изланишдан чарчамади. Шу боис бугун у қозоқча бешбармоқни, украин ва рус борщини, корейсча кук-суни, татарча чебурекни қойилмақом қилиб тайёрламоқда. Шунингдек, европа таомлари сирини ошпаз Якоб Марковичдан пухта эгаллади.

Моҳир ошпаз бугун ўзи ҳам худди устозлари сингари шогирдларига алоҳида эътибор беради. Айни пайтда 100 дан ортиқ шогирди ошпазлик сирларини пухта ўрганиб, юртимизнинг турли бурчакларида, ҳатто чет элларда ҳам муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, Илҳом ака меҳнат қилаётган хусусий корхонада 10 дан зиёд коллеж битирувчилари иш билан таъминланган. Уларга меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган.

«Комил ҳамкор» хусусий корхонаси «Регистон» тўй маркази атрофини ободонлаштиришга ҳам ҳисса қўшаётир. Бу ердаги шароитлар шаҳарликларга ва меҳмонларга манзур бўлмоқда. Айниқса, Соғлом бола йилида марказда болалар учун ўйин майдонининг яратилиши кичкинтойларга ажойиб совға бўлди.

Омилкор инсон И.Ғофуров кўплаб кўрик-танловларда иштирок этиб, муносиб тақдирланиб келмоқда. Шунингдек, у «Савдо ходими аълочиси» кўкрак нишони соҳиби.

Ўз мухбиримиз

Вилоятда ўнлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлиб, кейинги йилларда етиштирилган пахта хом ашёсини шу ернинг ўзида қайта ишлаш ҳажми тобора ортмоқда.

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган қатор корхоналар жумладан, «Пенг Шенг» қўшма корхонасида сопол кафеллар, «Темур медфарм», «Река медфарм» корхоналарида тиббиёт воситалари, «JMP INTERNATIONAL» қўшма корхонасида шарбатлар, «Саруна текстил», «Мили Гулистон текстил» қўшма корхоналарида ип газламалари, «Мос Ян текс», «Шипа текс», «Ҳабиб текс», «Гул рантекс», «Нафис либос» корхоналарида тирикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

ИШЛАШ УЧУН ШАРОИТ ЕТАРЛИ

Янгиер шаҳридаги «Мос Ян текс» қўшма корхонаси Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, корхона болалар, аёллар ва эркаклар учун тирикотаж буюмлари ишлаб чиқаради. Маҳсулотлар маҳаллий ва хорижий буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Дастлаб корхонада 25 нафар ходим меҳнат қилган бўлса, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши натижасида ишчилар сони 165 нафарга етди. Шунингдек, 4 нафар касаначи меҳнатидан ҳам фойдаланилади.

Иш билан банд бўлганларнинг асосий қисмини касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил қилиши ҳам қувонарли ҳолдир. Корхонада ишловчилар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Махсус кийимбош, бепул иссиқ овқат бериб борилади. Янгиер шаҳар қишлоқ қурилиш, Навбаҳор ижтимоий-иқтисодиёт коллежлари битирувчилари корхонада амалиёт ўташади. Ушбу ўқув йилида 45 нафар битирувчи «Устоз-шогирд» тизими асосида амалиёт ўтади ва уларнинг 15 нафари ишга қабул қилинди.

Қўшма корхонада ишчи-ходимларнинг 90 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Оддий қишлоқ қизлари бугунги кунда энг замонавий тикув дастгоҳларини моҳирлик билан бошқараётганлиги кишида фахр уйғотади. Корхонада барчага намуна бўлаётган ишчи ва хизматчилар сони ортиб бормоқда. Насиба Шерманова, Мунира Сафарова, Ином Ҳусанов каби кўплаб ишчи ва хизматчилар ўзларининг ҳалол меҳнати билан корхона фахрига айланишган. Корхона маъмурияти ва касабақўм асосий эътиборни ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратишган.

Маданий ва спорт тадбирларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтказилаётган «Маънавият соати»га адабиёт ва санъат намояндалари, шоирлар, тиббиёт мутахассислари, ички ишлар ходимлари таклиф этиляпти.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ходимлар гимнастикасини ташкил этиш ва доимий йўлга қўйиш ҳақидаги қарори ижроси меҳнат аҳлининг саломатлигини мустаҳкамлаши ва ҳаётий фаоллигини таъминлашга ёрдам беради, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Юлдуз Ҳайдарова. — Ходимлар гимнастикасини мунтазам равишда ҳамда намунали тарзда ташкил этиш, бунинг учун махсус қўлланмалар тавсия этилгани айни муддао бўлди. Корхонамизда, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилади. Ходимлар билан биргаликда иш жараёнининг ўзида турли гимнастик машқлар бажарамиз. Бу машқларнинг иш жойида ва иш кийимида ўтказилишига мослаштирилганлигини айтмайсизми! Жисмоний машқлар орқали ҳолатимизни функционал яхшилаш, иш фаолиятини янада ошириш имконига эга бўлдик.

Корхонада меҳнат муҳофазасига эътибор кун сайин кучайтирилмоқда. Хавфсиз меҳнат шароити яратиш бўйича масъул ходим Асқаржон Усмоновнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳар бир цех ва бўлимда техника хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган ва ходимлар билиши зарур бўлган билимлар, тушунтириш, тавсиялар режа асосида олиб борилмоқда.

Корхона ўз маҳсулоти билан қисқа вақтда танилиб, ISO 9001:2009 халқаро сифат тизими сертификатини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, «Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят, республика босқичларида ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, «Менинг юртим — менинг ифтихорим», «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Энг яхши экспорт қилган кичик корхона» каби йўналишларда ғолибликка эришди.

Ўз мухбиримиз

Ishonch
2014-yil 26-iyul № 91 (3440)

АЗИЗДИР ИНСОН!

ВИЛОЯТИ ВА ҲАМКОРИМИЗ

маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда кам таъминланган, кўп болали аёллардан 3 нафари бепул соғломлаштирилди. Ишлайдиган, фарзанд кўрмаган аёл ходимларнинг 7 нафари «Умид гулшани» санаторийсида имтиёзли соғломлаштирилди. Бу мақсадлар учун касаба уюшма маблағлари ҳисобидан қарийб 9,2 млн. сўм сарфланди.

Жорий йилнинг март ойида вилоятдаги 47 та касб-ҳунар коллежларини 2013-2014 ўқув йилида тамомлаган 12213 нафар битирувчидан 11695 нафари 2493 та корхонага амалиёт ўташ учун бириктирилди.

Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан амалиёт ўташ пайтида кам таъминланган коллеж битирувчиларининг 575 нафарига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида ва коллежни имтиёзли диплом билан тамомлаган ёки кам таъминланган оилага мансуб бўлган 215 нафарига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам берилди.

Касаба уюшмаларига қарашли «Сирдарё» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

«Соғлом бола йили» дастури доирасида маданий-маърифий йўналишдаги тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Наманган вилоятида ўтказилган «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш учун бирлашма кенгаши томонидан 2 дона DVD ажратилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Гулистон шаҳридаги воҳа тарихи музейи, маданият ва истироҳат боғига сайёҳатлар, «Болалар шаҳарчаси»га компютер жамланмаси олиб бериш, касаба уюшмаларининг қарийб 5189,0 сўм маблағи йўналтирилган кам таъминланган оилалар фарзандлари, «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчилари ҳамда турли танлов ғолибларидан иборат 40 нафар боланинг «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида Самарқанд шаҳрига саёҳати каби тадбирлар амалга оширилди.

«Истиқлол ғунчалари» санъат фестивалининг вилоят босқичи тантанали тарзда ўтказилди ва Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган Республика босқичида вакилларимиз 1 та 2-ўрин ва 1 та 3-ўрин соҳибига айланишди.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, меҳнаткашларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ходимларимиз «бу даргоҳдан ҳеч ким норози ҳолда кетиши мумкин эмас» ақидага амал қилишади. Ёрдам сўраб, умид билан эшик қоққан кишиларнинг ихлоси қайтмаслиги керак.

Бирлашмамиз юридик бўлимига шу кунга қадар фуқаролардан 200 та мурожаат бўлди. Бирлашмада ташкил этилган «Ишонч телефони»га ўтган вақт давомида 51 та телефон қўнғироғи бўлган. Барча мурожаатлар қаноатлантирилиб, шундан 46 тасига тушунтиришлар берилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида 5 та семинар ўтказилди. Уларда асосан Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ва «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонунларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида маърузалар қилинди ва савол-жавоблар ўтказилди.

Хуллас, Сирдарёда меҳнаткаш манфаати учун хизматга шай, улар ишончини оқлаш ҳаракатида бўлган касаба уюшмалари ўз ишини ана шу мезонлар асосида олиб бормоқда.

Камолиддин ОҚБЎТАЕВ,
Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

МУХТАСАР СЎЗ

Мустақиллик йилларида Сирдарё вилоятида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда муҳим ўзгаришлар рўй берди.

Вилоятда хорижий инвестициялар иштирокида 48 та қўшма корхона ташкил этилган. Уларнинг вилоят ялпи ишлаб чиқаришидаги салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Вилоят саноат соҳасининг асосий турларини мамлакат электр энергиясининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқарадиган Сирдарё ГРЭС ва Фарҳод ГЭСи ташкил қилади. Бундан ташқари, пахта тозалаш заводлари, «Гулистонэкстрактёғ» ҲЖ, «Ховосдон» ва «Оқолтиндон» комбинатлари, «Сарбонтекс», «Лечивофармсаноат», «Лола Модел», «Сайхунмедтекс», «Сайхунжел» каби қўшма корхоналар мамлакатимиз ички ва ташқи бозорини халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Вилоятда рўйхатга олинган 15345 та корхонадан 14857 таси кичик ва микрофирмалардир.

Вилоятда қурилиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Мустақиллик бош майдонининг реконструкцияси, Хотира майдони, Марказий ва тижорат банклари бинолари, Биржа ва Бизнес марказлари, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Кемпинг» типидаги мажмуа, замонавий вокзал, кўп қаватли тураржой бинолари, «Алпомиш» спорт саройи, Бокс саройи, Марказий ўйингоҳ, Сузиш ҳавзаси ва бошқа спорт комплекслари бунёд етилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича вилоятда 303 та мактаб, 4 та академик лицей, 45 та касб-ҳунар коллежлари ва Гулистон давлат университети фаолият кўрсатмоқда. Уларда 173996 нафар ўқувчи ва талаба таҳсил олмоқда.

Касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятини намунали ташкил этиш борасидаги ишлар бугунга келиб ўз самарасини бермоқда. Буни Боёвут тумани касаба уюшма ташкилотлари фаолияти мисолида кўриш мумкин.

НАМУНАЛИ ТУМАН КЕНГАШИДА

Хусусан,тумандаги Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимида иш берувчи олдига қўйилган талаблар асосида деярли барча бошланғич ташкилотлар фаолияти учун зарур шароитлар яратилди. Юқори касаба уюшма органлари томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам натижасида ишдаги сифат ва самарадорлик ортмоқда. Бу жараёнда бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали йўлга қўйиш мақсадида Федерация Кенгаши тавсиясига асосан ўтказилаётган ўқув-семинарларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Ушбу тадбирлар давомида бошланғич ташкилотлар етакчилари фаолиятга доир ўқув қўлланмалари, зарурий адабиётлар таъминланаётир.

Туман кенгаши тасарруфида 85 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, унда 4510 нафар аъзо бирлашган. Йил бошидан буён 5 та нодавлат ташкилотда касаба уюшмаси тузилиб, аъзолар сони янада ортишига эришилди. Яъни «Ватанпарвар» ташкилоти, «Тасвирий ойина» ҳамда 2 та жомеъ масжиди ходимлари касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Эътиборли жиҳати, тасарруфдаги ташкилотларимиз томонидан кам таъминланган, кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни қўллаб-қувватлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Жумладан, йил бошидан буён 245 нафар маданий тадбирларда ютуқларга эришган, ижодкор, ташаббускор тармоқ касаба уюшма аъзоларининг Тошкент ва Самарқанд шаҳрининг қадимий обидаларига ҳамда Зомин дам олиш масканига саёҳатлари ташкил этилди.

Шунингдек, 29 нафар ходим республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида дам олиб, соғлигини тиклади. 105 нафар касаба уюшма аъзосига моддий ёрдам берилди.

Ёз мавсуми учун 46 нафар ходим фарзандларига тумандаги «Шодлик» болалар оромгоҳига имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

Барно ХОЛМУҲАМЕДОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Боёвут туман кенгаши раиси

ЁШЛАРГА ҚАНОТ

Мустақил ҳаётга катта орзулар билан кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш касаба уюшма фаолиятининг асосини ташкил этмоқда. Жумладан, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон туман кенгаши томонидан касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг ўзлари танлаган касб билан шуғулланишига кўмаклашилди. Корхона ва ташкилотлардаги амалиётда намунали бўлган, ўзини кўрсатган талабаларнинг 6 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

Коллеж касаба уюшмасининг талабаларга кўмаги бугун ўз самарасини бераётир. Амалиёт жараёнида мустақил тадбиркорлик йўл-йўриқларини ўрганган битирувчилардан бири Жамила Қўчқорова тикувчилик цехи очди. Бунинг учун «Микрокредит банк»нинг туман бўлимидан 3 млн. сўмлик имтиёзли кредит олди. Шунингдек, Гулистон тумани ҳокимининг қарори билан ҳудуддаги бўш ётган ер майдонларидан 30 сотих ер ҳаракатчан қиз Зулайҳо Жулиевага ажратилди. Деҳқончилик фаолиятини бошлаши учун тумандаги «Агробанк»дан 4,5 млн. сўм кредит берилди.

Тумандаги Учқаҳрамон иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида 5 июнда тантанали битирув тадбири бўлиб ўтди. Унда касаба уюшма вакиллари ҳам қатнашиб, битирувчиларни меҳнат жараёнига кириб келаётганлари билан табриклади ва талабаларга пластик карточкалар топширди. Илк меҳнат фаолиятини танлаганлар касаба уюшма ғамхўрлигини ҳозирданоқ ҳис қила бошлаганликларини эътироф этишди.

Ёшларимизга уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнатга оид манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида касаба уюшмаларининг аҳамиятини тушунтириш айни муддаодир.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, айни пайтда ўзининг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини англаган ҳолда яшаш, жамият ҳаётида онгли фуқаро сифатида иштирок этишини шакллантириш мумкин.

Жамила ҲАМРОҚУЛОВА,
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон туман кенгаши раиси

Боёвут енгил саноат касб-ҳунар коллежини муваффақиятли битирган Ҳурриятнинг Исроилова ҳеч иккиланмай тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилди. Коллеж маъмуриятининг ва касаба уюшма қўмитаси ёрдамида банкдан 2,8 млн. сўм кредит олиб, «Гўзаллик салони» очиб, ўзи ва тенгдошлари учун янги иш ўрни яратди.

БИТИРУВЧИ ТАДБИРКОР

Яқинда коллежда Ҳурриятнинг «Гўзаллик салони» очилишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унинг биринчи мижозлари устозлари эканлиги диққатга сазовордир. Энди Ҳурият ўз устозларига нафақат гўзаллик бахш этади, янги иш ўрни яратиб, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда ўз ҳиссасини қўшади. Шу орқали у кўплаб шогирдлар тайёрлаш ва тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.

Тадбиркорлик билан шуғулланишни аҳд қилган Ҳурриятнинг тенгдошларидан 15 нафардан ортиғи банкдан кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида.

Ўз мухбиримиз

СИРДАРЁ ИЭСнинг АҲИЛ ЖАМОАСИ

Сирдарё ИЭСнинг иқтисодий салоҳияти ҳақида кўпгина мақолалар уюштирганмиз. Бу сафар эса мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг 30 фоизини таъминлаётган ушбу йирик станцияда меҳнаткашларга яратилган шарт-шароитлар билан танишишга аҳд қилдик.

Корхона бўсағасидаёқ атроф-муҳитнинг ям-яшиллиги киши дилини очиб юборди. Шундоққина дарвоза ёнида жойлашган поликлиникага кирамиз. Мўъжазгина саломатлик пунктида 17 нафар шифокор ва кичик тиббиёт ходими фаолият юритади. Ишчилар сони 2500 дан ошадиган корхонада 430 нафар фертил ёшидаги хотин-қиз меҳнат қилади. Уларга стоматолог, гинеколог, терапевт каби мутахассислар тиббий хизмат кўрсатишади.

— Ишчи аёллар ҳар йили бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади, — дейди шифокор Лола Облоқулова. — Чунки уларнинг соғлиғини назорат қилиш меҳнат унумини таъминлайди.

Поликлиника мудири Худойберди Турдиев бизни 2008 йилда ишга туширилган соғломлаштириш комплексига таклиф қилди. Корхона атрофида атиргуллар чаман бўлиб очилган. Ҳар бир цех ўз ерига эга. Помидор, бодринг, картошка дегандек. Соғломлаштириш мажмуасининг массаж, физиотерапия хоналари барча керакли тиббий анжомлар билан жиҳозланган. Муолажалар қатъий тартибга кўра белгиланган. Фитобарда эса шифокор буюрган турли доривор дамламаларни истеъмол қилиш мумкин.

— Бир ҳафта табиий муолажаларга қатнасангиз, қарабсизки, соғломсиз, — дейди Худойберди ака. — Саломатлиги бир оз ёмонлашган ишчиларга ишдан кейин ҳам келиб, муолажа олишлари учун шароит мавжуд.

— Уюшмамиз ўзида 2594 нафар аъзони жамлаган, — дейди касаба уюшма қўмитаси етакчиси Саид Ёрбеков. — Улардан 731 нафари аёллардир. 30 ёшгача ёшлар эса 1028 нафарни ташкил этади. Жорий йилнинг тўрт ойида 23 нафар ишчи-ходимимизга саломатлигини тиклаш ва дам олиш мақсадида санаторийларга йўлланма берилди. Касаба уюшмамиз аъзолари кўпроқ «Нурафшон» ва «Умид гулшани» санаторийларига боришади. Дарвоқе, йўлланма қийматининг 30 фоизини тўланади. Қолган қисми касаба уюшмаси ҳисобидан.

— Ишчиларимиз, айниқса, аёлларга ҳар томонлама эътибор кучли, — дейди суҳбатимизга қўшилган ташкилот хотин-қизлар қўмитаси раиси Мамлакат Абдурасулова. — Ўзим ҳам 30 йилдирки шу ерда меҳнат қилиб келяпман. Ҳар бир байрам жамоада кўтаринки руҳда нишонланади. Ахир 26 та цех, минглаб ишчилар жамланса, кичиккина нурчилар шаҳри — Ширинда катта байрам бошланиб кетади.

— Ширин шаҳридаги барча мактабгача ва умумтаълим муассасаларига ташкилотимиз ҳомийлик қилади, — дейди Саид ака суҳбатни давом эттириб. — Ўтган йили шаҳардаги битта мактаб ва битта мактабгача тарбия муассасаси капитал таъмирдан чиқарилди. Ахир ушбу муассасаларда фарзандларимиз таълим-тарбия олишади. ИЭСга қарашли «Энергонаслчорва» чорвачилик комплекси ишчи-ходимларимизни бепул сут билан таъминлаб турибди. Шунингдек, ушбу комплексда ишлаб чиқарилган 10 дан ошиқ турдаги сут маҳсулотлари корхонанинг ўзида жойлашган дўконда сотилади. Кечқурун уйга кетиш олдидан ишчилар шу ернинг ўзида керакли озиқ-овқатларни пластик карточка орқали харид қилишади, бу ҳам катта қулайлик.

Биз Ширидан ана шундай бахтли инсонлар билан танишиб қайтдик.

Зебо ХАЙДАРОВА

Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбири Озода МАМАДАЛИЕВА тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ , КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи: **ЛОТ 1**

1. ЛОТ 1.1. «Фарғона вилояти Бувайда тумани Янгиқўрғон қишлоғидаги суд биносини мукаммал таъмирлаш»

Бошланғич нархи — **326 697 999 сўм ҚҚС сиз ва 392 037 599 сўм ҚҚС билан.**

Қурилиш муддати —**150 кун.**

ЛОТ 1.2. «Фарғона вилояти Сўх туманидаги жиноят ишлари бўйича суд биносини мукаммал таъмирлаш»

Бошланғич нархи — **190 085 000 сўм ҚҚС сиз ва 228 102 000 сўм ҚҚС билан.**

Қурилиш муддати — **120 кун.**

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови 100%.

ЛОТ 2

2. ЛОТ 2.1.№Фарғона вилояти Қўштепа тумани жиноят ишлар бўйича суд биносининг янги қурилиши»

Бошланғич нархи — **1 144 551 770 сўм ҚҚС сиз ва 1 373 462 124 сўм ҚҚС билан;**

Муддати — **12 ой.**

ЛОТ 2.2. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳрида Фарғона туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг маъмурий биносини мукаммал таъмирлаш ва янги қурилиши»

Бошланғич нархи — **1 199 014 441 сўм ҚҚС сиз ва 1 438 817 329 сўм ҚҚС билан;**

Муддати — **12 ой.**

Қурилиш-монтаж ишлари: Суд ва юстиция органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Манзил: Фарғона шаҳар, Оқйўл кўчаси 104-«а», тел.(373) 226-75-06 (факс),226-06-03.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373) 244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси 37-уй манзилда ўтказилади.* **Хизматлар лицензияланган.**

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрининг С.Саодат кўчасида божхона ходимлари учун 3 қаватли, 60 хонадондан иборат хизмат турар жой биносини қуриш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшимча қиймат солиғи билан бирга — 9 956, 149 млн. сўм, қўшимча қиймат солиғисиз — 8 296, 791 млн. сўм, қурилиш муддати — 365 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 286-уй. Тел./факс (8-376) 225-13-51, 225-26-05.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат божхона қўмитасининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат «Қурилиш — пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари шарт: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдоларида оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 150 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университети томонидан 1993 йилда Умарова Нигора Насритдиновна номига берилган **ФВ 994581** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ishonch
2014-yil 26-iyul № 91 (3440)

ЎзА суратлари

Болаларга беринг дунёни

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ИМТИЁЗЛАР

Мавсумда кам таъминланган оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган кам таъминланган ходимлар фарзандларини имтиёзли дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аслида, режадаги 282 минг нафарга яқин боланинг барчаси имтиёзли соғломлаштириляпти, дейиш мумкин. Яъни, ишловчи ота-оналар ўзлари меҳнат қилаётган корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмитаси орқали йўлланма нархининг 27,5-30 фоизи миқдоридаги қийматини тўламоқдалар. Юқорида тилга олинган тоифадаги оилалар фарзандларига эса бепул ва имтиёзли йўлланмалар берилаётир. Бундай имтиёздан бу йил жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг 30 минг нафардан ортиқ фарзандлари фойдаланмоқда.

Давлатимизнинг алоҳида ғамхўрлиги натижасида 4500 нафардан зиёд Оролбўйи минтақаси болалари Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларидаги сўлим ва баҳаво оромгоҳларда соғломлаштирилаётир. Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида 3658 нафар «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиси, 50 нафар жисмоний имконияти чекланган болалар Федерация Кенгаши томонидан бепул дам олдирилмоқда.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан бугунги кунгача маҳаллалардаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояталаб оилаларнинг 1909 нафар фарзанди бепул дам олдирилиши ҳамкорликнинг ўзига хос натижаси бўлди. Яна бир янгилик, Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманларидан 100 нафар боланинг Самарқанд вилоятидаги «Золотинка» оромгоҳида бепул ҳордиғи ташкил этилди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари тизимидаги «Чинобод», «Оқтош», «Бўстон», «Зомин» каби санаторийларда «Она ва бола» йўлланмалари асосида 3 минг 358 нафар болажоннинг ота-оналари билан биргаликда соғломлаштирилиши таъминланмоқда.

ЭҲТИЁЖ ВА ХУСУСИЯТГА ҚАРАБ

Анжуманда бугунги оромгоҳлар интеллектуал ривожлантириш масканларига айлангани алоҳида эътироф этилди. Жумладан, ихтисослаштирилган оромгоҳлар турлари кўпайтирилди. Ҳар бир ҳудудда Интеллектуал ривожлантириш, Тарбия ва спорт, Ижтимоий-мослашув, Меҳнат ва дам олдириш, Экологик-биологик, Ўлкашунослик, Техник ижодкорлик, Бадиий ижодиёт оромгоҳлари фаолият кўрсатаяпти. Уларга болалар қизиқиши ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда жалб этилмоқда. Масалан, касаба уюшмалари тасарруфидаги «Қуёшли» оромгоҳида республика «Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳи ташкил этилиб, фан олимпиадалари ғолиблари бўлган 520 нафар бола устозлари билан биргаликда Федерацияси Кенгаши томонидан бепул соғломлаштирилди. Ҳудудларда ҳам 14 та худди шу турдаги оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилиб, 2111 нафар иқтидорли бола жалб этилди.

Маълумки, оромгоҳларда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар дам олдирилади. Ўсмир ёшидаги ўғил-қизларнинг ҳам мароқли ҳордиғини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари, маҳаллий ҳокимликлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказлари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида 132 та Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳи ташкил этилди. Уларга касб-ҳунар коллежларининг 15-18 ёшдаги ўқувчилари жалб этилмоқда. Бугунгача 4 минг нафардан зиёд ўқувчи амалиёт ўташ билан биргаликда мазмунли ҳордиқ билан қамраб олинди.

Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё Тошкент вилоятларида ички ишлар идоралари ҳамкорлигида вояга етмаганлар комиссияси ҳисобида турувчи болалар учун «Тарбия ва спорт» оромгоҳлари ташкил этилиб, ҳозирга қадар 1256 нафар бола дам олдирилди. Улар билан педагог-психологлар иштирокида турли семинар-тренинг, спорт мусобақаси ҳамда профилактик тадбирлар уюштириляпти.

Ҳудудлардаги 20 та «Экологик-биологик» ва «Ўлкашунослик» оромгоҳида эса 4 минг нафарга яқин бола табиат қўйнидаги машғулотлар орқали мазкур йўналишдаги билим ва кўникмаларини бойитмоқда. Шунингдек, 21 та «Техник ижодкорлик» оромгоҳида 2 минг 700 нафарга яқин боланинг техник ижодкорлик қобилияти ривожлантирилиб, техник моделларни конструкциялаш бўйича дастлабки кўникмалар берилмоқда.

Дарвоқе, болаларни соғломлаштириш қамровини янада кенгайтириш мақсадида тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлган мактаблар, академик лицей ва коллежлар қошида кундузги оромгоҳлар ташкил этилди. Уларда болалар кун давомида дам олиш билан бирга, маданий-маърифий тадбирлар билан қамраб олинаяпти. Маданият ва истироҳот ҳамда ҳайвонот боғларига саёҳатлар уюштирилмоқда.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР СИФАТИ

Анжуманда оромгоҳларда ҳордиқ мазмуни бойитилиб, таълим-тарбия ишлари сифати оширилишига эришилаётгани ҳам қайд этилди. 17 минг нафарга яқин малакали педагоглар, спорт йўриқчилари, тўгарак раҳбарлари, маданият ходимлари болалар интеллектини ривожлантириш, маънавиятини юксалтириш, улар онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдириш йўналишидаги ишларни олиб бормоқда. Ҳар бир оромгоҳда 10 дан ортиқ, жумладан, чет тилларини ўргатиш бўйича махсус тўгараклар фаолият кўрсатаётир.

Ишчи гуруҳлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган Манзилли дастур асосида оромгоҳларга театрлар, ижодий жамоалар, ёзувчи-шоирлар, рассомлар ташрифи уюштирилиб, болалар учун маданий-тарбиявий тадбирлар, турли лойиҳа ва акциялар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Болалар учун яратилган 49 номдаги бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион филмлар намойиш этилмоқда. Ҳозирга қадар оромгоҳларда болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган 18 мингга яқин маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилди. Уларда ёш эстрада хонандалари фаол қатнашмоқда.

Барча оромгоҳда Федерация Кенгаши томонидан **«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистон!»** шиори остида «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Касаба уюшмалари — болаларга», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати» акциялари ўтказилаяпти. Улар орқали болалар онгига мустақиллик йилларида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, ёш авлод камолоти йўлидаги саъй-ҳаракатлар мазмун-моҳияти сингдирилмоқда. Мазкур акциялар доирасида таниқли ёзувчи ва шоирлар, профессор-олимлар, бой ҳаётий тажрибага эга инсонлар таклиф этилиб, болалар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда барча стационар турдаги оромгоҳда 193 марта «Ёш қутқарувчи» болалар мусобақалари ўтказилиб, унда 40 минг нафардан зиёд бола иштирок этди.

ОРОМГОҲЛАР КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ҳукумат даражасида тасдиқланаётган Оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича Манзилли дастурлар мамлакатимизда ёш авлод камолотига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳар йили республика миқёсида 50 га яқин оромгоҳнинг моддий-техник негизи мустаҳкамланаётир.

Ўтган йилги Манзилли дастурга мувофиқ жорий мавсумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Навоий вилоятида «Ишонч» оромгоҳи, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан Жиззах вилоятида Амир Темур номли оромгоҳ янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Наманган вилоятидаги «Камалак» оромгоҳида Федерация Кенгаши томонидан қўшимча равишда реконструкция ишлари амалга оширилди.

2014 йилга мўлжалланган Манзилли дастурга мувофиқ эса ҳозирги пайтда республикамиздаги 43 та оромгоҳда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. Хусусан, 3 та оромгоҳ барпо этилаяпти, 16 тасида реконструкция, 24 тасида мукаммал таъмирлаш ишлари бормоқда. Жумладан, Федерация Кенгаши томонидан Наманган вилоятида «Норин», Самарқанд вилоятида «Чорчинор» оромгоҳлари барпо этилмоқда, Сурхондарё вилоятидаги «Хонжиза», Қашқадарё вилоятидаги Мирзо Улуғбек номли оромгоҳлар реконструкция қилинаётир. Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан Сурхондарё вилоятида «Парвоз» оромгоҳи барпо этилиши режалаштирилган.

Ҳозирда Манзилли дастурга кирган 43 та оромгоҳдан 18 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Эътироф этилганидек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида мавсумнинг боришини доимий мувофиқлаштириб борувчи махсус Штаб фаолияти йўлга қўйилган. Федерация Кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан ташкил топган Ишчи гуруҳлари томонидан ҳар бир ҳудуддаги оромгоҳлар фаолиятини ўрганиш ва жойида амалий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилаётир. Ишчи гуруҳларнинг таҳлилига асосан ҳар бир навбат якуни бўйича ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳларнинг кенгайтирилган мажлиси ўтказиб борилаётгани жойлардаги соғломлаштириш ишлари сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатаётир.

Анжуман доирасида, шунингдек, журналистлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

ЖАРАЁН — РАҚАМЛАРДА

— Соғлом бола йилида 1085 та оромгоҳ (214 та стационар, 739 та кундузги, 132 та Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳи) фаолияти йўлга қўйилиб, оромгоҳлар ўтган йилга нисбатан 100 тага кўпайди.

— Соғломлаштирилиши режалаштирилган болалар ўтган йилга нисбатан 10 мингга ортиб, 282 минг нафарга яқинни ташкил этди.

— Ихтисослаштирилган оромгоҳлар 100 тага ортиб, жорий йилда 217 та шундай масканлар фаолият кўрсатмоқда.

— Ўсмирлар учун ташкил этилган Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари қарийб 3 баробарга кўпайиб, 132 тага етди.

— Бугунгача оромгоҳларда 264 минг 430 нафар бола соғломлаштирилди. Бу режага нисбатан 93,8 фоизни ташкил этади.

— 2014 йилга мўлжалланган Манзилли дастурга мувофиқ жорий йилда республикамиздаги 43 та оромгоҳда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориш режалаштирилган бўлиб, ушбу жараён қизғин давом этмоқда.

Ёзги соғломлаштириш

Спортчилар оромгоҳи

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли Мирзо Улуғбек номидаги болалар оромгоҳи воҳанинг энг сўлим гўшаларидан ҳисобланади. 23 гектар майдонда жойлашган масканда жорий йилда улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Оромгоҳ атрофи девор билан ўралиб, ошхона тўлиқ реконструкция қилинди, сузиш ҳавзаси янги қиёфага кирди.

Кўриб турганларимизда дилда ҳавас уйғотиб, ўғил-қизларни суҳбатга тортдик.

Шерзод Холмахматов, Касби тумани:

— Оромгоҳда ўзгаришлар катта. Бу йил спорт машғулотларига кенг ўрин ажратиляпти. Деярли ҳар бир дам олувчи спорт тўгарагига аъзо. Ўйингоҳлар ҳам кенгайтирилган. Турли мусобақалар ўтказилиб, ғолибларга эсдалик совғалари бериляпти.

Саидали Муродуллаев, Қарши шаҳри:

— «Ёш алангачи», «Беруний» оромгоҳларида дам олгандим. Бу маскан ҳам улардан кам эмас экан. Ҳавоси мусаффо, ҳаммаёқ озода ва сариштa. Мен Қарши шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида шахмат тўгарагига қатнашаман. Шунинг учун бу ерда ўтказилган шахмат беллашувларида иштирок этиб, вилоят миқёсида йиғилган тенгқурларим билан дона сурдим. Кўплаб дўстлар орттирдим, дам олиш асноси сузишни ўрганиб олдим.

— Дарҳақиқат, ушбу масканда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда, — суҳбатга қўшилди оромгоҳ директори Ўткир Муҳаммадиев. — Қайта реконструкция учун 5 млрд. сўм ажратилгани давлатимизнинг, касаба уюшмаларининг ёш авлодга кўрсатаётган улкан эътибори намунасидир.

Биринчи навбатда 450 нафар, иккинчисида эса 669 нафар ўғил-қиз дам олди. Соғлом бола йилида оромгоҳда янгича тартиб йўлга қўйилди. Яъни, оромгоҳ спорт-соғломлаштириш маскани мақомини олади. Бу ерга келган ҳар бир ўғил-қиз ўз қизиқиши ёки лаёқатига қараб, спорт тўгаракларига жалб этилади ва уларга тажрибали мураббийлар машғулот ўтади. Яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Яккабоғ туман бўлими томонидан футбол ва шахмат бўйича мусобақалар ташкил қилинди.

Қўли ширин ошпазлар ёш спортсеварлар учун тўйимли ва калорияли овқатлар тайёрлаб беришяпти. Бундан ташқари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан чорвачиликка ихтисослашган ёрдамчи хўжалик ташкил қилиниб, болажонлар дастурхонига пешма-пеш сут маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бўка туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2014 йил 14 июлдаги 11 сонли буйруғи ва 2014 йил 25 июлдаги 193 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Бўка тумани «Ҳожиматов» фермерлар уйушмаси манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 687 ААА бўлган 2001 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, ГБА-ДАМАС-СПГ русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 7 660 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 25 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 22 август куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 25 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 2 ва 9 сентябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 2 сентябр савдо учун 29 август куни соат 18:00; 9 сентябр савдо учун 8 сентябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдолари хабарномаси.

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 26 август куни соат 11-00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Бухоро филиали билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга филиал ҳисобидаги Бошланғич баҳоси 8 000 000 сум бўлган 1997 йилда и/ч ДАМАС русумли д/р 20 АА 990 автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 25.08.2014 йилга қадар соат 10-00 дан 16-00 гача қабул қилинади. (13-00-14-00 тушлик).

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

«Аукцион ташкилотчиси» «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali.

Манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Тел: 8 365 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

Газетанинг навбатдаги сони 31 июл, пайшанба куни чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 20.00
Topshirildi - 20.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 718 | 13934 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5